

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМІЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.08.2018.FM/T.02.09 РАҚАМЛИ ИЛМІЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАХМУДОВ ЖАМОЛ МАХМУД ЎҒЛИ

БИР ЖИНСЛИ БЎЛМАГАН СУЮҚЛИКЛАРНИНГ ҒОВАК
МУҲИТЛАРДА СИЗИШИНИНГ МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ТАДҚИҚ ЭТИШ

01.02.05 – Суюқлик ва газ механикаси

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2019

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of abstract doctoral (DSc) dissertation

Махмудов Жамол Махмуд ўғли

Бир жинсли бўлмаган суюқликларнинг ғовак муҳитларда сизишининг
математик моделларини такомиллаштириш ва тадқиқ этиш3

Махмудов Жамол Махмуд угли

Усовершенствование и анализ математических моделей фильтрации
неоднородных жидкостей в пористых средах29

Makhmudov Jamol Makhmud ugli

Improvement and analysis of mathematical models of filtration of
non-homogeneous liquids in porous media.....55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works59

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.08.2018.FM/T.02.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАХМУДОВ ЖАМОЛ МАХМУД ЎҒЛИ

БИР ЖИНСЛИ БЎЛМАГАН СУЮҚЛИКЛАРНИНГ ҒОВАК
МУҲИТЛАРДА СИЗИШИНИНГ МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ТАДҚИҚ ЭТИШ

01.02.05 – Суюқлик ва газ механикаси

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.DSc/FM94 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.samdu.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Хўжаёров Бахтиёр Хўжаёрович
физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Нормуродов Чори Бегалиевич
физика-математика фанлари доктори

Равшанов Нормаммад
техника фанлари доктори, профессор

Хужаев Исмаилов Кушаевич
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги DSc.30.08.2018.FM/T.02.09 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «24» май соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (+99866) 239-11-40, факс: (+99866) 239-11-40, 239-12-47, e-mail: devonxona@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (28 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (+99866) 239-17-25.

Диссертация автореферати 2019 йил «4» май куни тарқатилди.
(2019 йил «3» май даги 5 рақамли реестр баённомаси).



Р.И.Халмуродов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
техника фанлари доктори, профессор

А.Абдирашидов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
физика-математика фанлари доктори, доцент

Ж.А.Акилов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари,
физика-математика фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда нефт-газни қазиб олиш ва уни қайта ишлаш саноати, кимёвий технология, экология ва бошқа кўпгина соҳаларга бевосита боғлиқ бўлган ғовак муҳитларда дисперс тизимлар сизиши масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Шу жиҳатдан АҚШ, Австралия, Россия Федерацияси ва бошқа ривожланган мамлакатларда, жумладан нефт конларини иккиламчи ва учламчи усулларда эксплуатация қилишнинг замонавий технологияларида биржинслимас мураккаб тузилишли маҳсулдор қатламларда биржинслимас суюқликлар сизиши математик моделлари кенг қўлланилмоқда. Бу борада макроскопик биржинслимас ғовак муҳитларда биржинслимас суюқликлар сизиши ва модда кўчиши жараёнлари математик моделлари ва уларни сонли тадқиқ этиш усуллари ичимлик ва оқава сувларни тозалаш, нефт-газ конлари самарадорлигини ошириш, мураккаб технологик, иссиқлик ва модда алмашинуви жараёнларни бошқариш ва лойиҳалашнинг назарий асосини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда макроскопик биржинслимас ғовак муҳитда биржинслимас суюқлик сизиши жараёнини, суюқлик таркибидаги қаттиқ заррачаларнинг ғовак муҳит скелети билан ўзаро таъсирлашувини, ғоваклар ичида ҳосил бўлган чўкманинг сизиш жараёнига таъсирини тадқиқ қилишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу йўналишда, жумладан ғовак муҳитларда суюқлик ва газ сизиши жараёнларининг математик моделларини ва замонавий ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга макроскопик биржинслимас ғовак муҳитларда биржинслимас суюқлик сизиши ва модда кўчишининг такомиллашган математик моделларини, самарали ҳисоблаш алгоритмларини ва дастурларини ишлаб чиқиш зарур ҳисобланмоқда.

Республикамизда амалий аҳамиятга эга бўлган ғовак муҳитларда биржинслимас суюқликлар сизиши ва модда кўчиши билан боғлиқ мураккаб гидродинамик жараёнларни математик моделлаштириш, сонли модели ва алгоритмини яратиш ҳамда амалиётга жорий қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...ишлаб чиқаришни ..., техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ..., юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш; ... тежамкор ва самарали замонавий технологияларни босқичма-босқич жорий этиш ...»¹ вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан оқава ва ичимлик сувларини тозалаш, нефт-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони.

газ қатламларига иккиламчи ва учламчи усуллар билан таъсир қилиш жараёнларини математик моделларини такомиллаштириш, ҳисоблаш тажрибаларини ўтказиш имкониятини берувчи сонли ечишнинг самарали алгоритм ва дастурий таъминотини яратиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 4 майдаги ПҚ-2954-сон «2017-2021 йилларда ер ости сувлари захираларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисобга олишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 30 июндаги ПҚ-3107-сон «Нефть-газ соҳасининг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сон «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Макроскопик биржинслимас ғовак муҳитларда биржинслимас суюқликлар сизиши масалаларини ечиш учун математик моделлар, самарали сонли усуллар ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, Louisiana State University, Massachusetts Institute of Technology, University of Southern California (АҚШ), Томск миллий тадқиқот политехника университети, Уралъ федерал университети, Қозон федерал университети, Россия давлат нефть ва газ университети, Уфа давлат нефть техникаси университети (Россия Федерацияси), Australian School of Petroleum (Австралия), Israel Institute of Technology (Исроил), Қозоқ миллий университети (Қозоғистон), ЎзР ФА Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти, Тошкент давлат техника университети, Самарқанд давлат университети (Ўзбекистон) кенг қамровли илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда.

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.mathnet.ru/; <http://www.mit.edu/>; <https://www.usc.edu/>; <https://ecms.adelaide.edu.au/petroleum-engineering/>; <https://www.technion.ac.il/en/technion-israel-institute-of-technology/>; <http://www.ou.edu/>; <https://www.syracuse.edu/>; <https://www.lsu.edu/>; <https://link.springer.com/search?query=porous+media>; www.dissercat.com/catalog/fiziko-matematiches-kie-nauki, <https://www.researchgate.net/publication>; Mechanistic Model for Nanoparticle Retention in Porous Media // Transport in Porous Media. November 2016, Volume 115, Issue 2, pp 387–406, <https://scholar.google.com/>; Mathematical modelling of fines migration in geothermal reservoirs // Geothermics, 2016 No.59, pp. 123–133, <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S1385894710006443>; Deep-bed filtration model with multistage deposition kinetics // Chemical Engineering Journal. 2010. No. 163, pp. 78-85 ва бошқа манбалардан фойдаланилган.

Ғовак муҳитларда биржинслимас суюқликлар сизиши ва модда кўчиши, хусусан, суспензиядаги каттик заррачаларнинг ғовак муҳит сизиш-сиғим хоссаларига таъсири жараёнларини математик моделлаштириш, сизиш ва кўчиш масалаларини ечиш учун адекват математик моделлар, самарали ҳисоблаш алгоритмлар ва дастурлар ишлаб чиқиш бўйича жаҳонда олиб борилаётган тадқиқотлар асосида қуйидаги натижалар олинган: ер ости резервуарларининг ифлосланиш жараёнларини математик моделлари яратилган (The University of Oklahoma, АҚШ), турли фильтрацион муҳитларда суспензиялар сизиши жараёнлари математик моделлари яратилган (Syracuse University, АҚШ), ифлосланган сувларни филтрлаб тозалаш жараёни математик моделлари ва дастурий таъминоти ишлаб чиқилган (Шимолий технология институти, Россия), коллоид, икки фазали, икки компонентали суспензияларнинг ғовак ва ёриқ-ғовак муҳитларда сизиши, сувни тозалаш ва қайта ишлаш, саноат сизиши жараёнларининг математик моделлари ишлаб чиқилган (Australian School of Petroleum, Австралия), ер ости сувлари ҳаракати ва ифлосланган моддалар кўчиши жараёнларини математик ва сонли моделлари яратилган (Israel Institute of Technology, Исроил), ғовак муҳитларда бир ва кўп фазали суюқликларнинг сизиши ва моддалар кўчиши жараёнлари математик моделлари ва самарали сонли ечиш алгоритмлари ишлаб чиқилган (Самарқанд давлат университети, Тошкент ахборот технологиялари университети, Ўзбекистон).

Дунёда ғовак муҳитларда биржинслимас суюқликлар сизиши ва модда кўчишини тавсифловчи назария ва математик моделлаштириш билан боғлиқ устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ғовак ва ёриқ-ғовак муҳитларда кўп фазали, кўп компонентали суюқликларнинг сизиши жараёнларининг математик моделларини ишлаб чиқиш; ғовак муҳитларда модданинг аномал кўчиши ва биржинслимас суюқликлар сизиши жараёнларини каср тартибли хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар ёрдамида математик ва сонли моделлаштириш; фрактал тузилишли ғовак муҳитда моддалар кўчиши ва суспензиялар сизиши жараёнларининг математик моделларини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Охириги йилларда биржинслимас суюқликлар сизиши ва модда кўчиши жараёнларини математик моделлаштириш масалалари асосан хорижда жадал ривожланмоқда. Кам концентрацияли суспензияларнинг сизиш жараёнларини математик моделлаштириш масалалари биринчи бўлиб Ю.М.Шехтманнинг ишида тизимли ва батафсил таҳлил қилинган. Сўнги йилларда ғовак муҳитларда биржинслимас суюқликлар сизиши ва модда кўчиши жараёнларининг математик моделларини тузиш ва такомиллаштириш бўйича К.Н.Coats, B.D.Smith, M.Th.van Genuchten, P.S.C.Rao, H.M.Selim, C.Tien, K.Ives, M.Sharma, M.Elimelech, J.Bear, F.Civan, A.Zamani, P.Bedrikovetsky, J.Herzig, Г.Баренблат, А.Х.Мирзаджанзаде, Е.В.Венецианов, К.С.Басниев, Р.И.Нигматулин, М.Д.Носков ва бошқа олимларнинг илмий ишларида қаралган.

Ғовак муҳитларда суюқлик ва газлар сизиши жараёнларини тадқиқ қилиш учун математик моделлар ва ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқиш бир қатор ўзбек олимлари, жумладан, Ф.Б.Абуталиев, Э.Б.Абуталиев, Ж.Ф.Файзуллаев, Н.М.Муҳидинов, Р.Садуллаев, И.Алимов, Ж.Акилов, Б.Х.Хўжаёров, Ч.Б.Нормуродов, И.К.Хўжаев, Н.Равшанов, Ш.Каюмов, В.Ф.Бурнашев ва бошқа олимлар салмоқли илмий натижаларга эришишган.

Таъкидлаш керакки, биржинслимас суюқликлар, хусусан суспензиялар сизишининг қатор мавжуд моделлари жараённинг асосий хусусиятларини ифодалайди. Феноменологик моделлар қолган моделларга қараганда кенг тарқалган. Шунга қарамадан, макроскопик биржинслимас муҳитларда суспензия сизиши ва мураккаб реал технологик жараёнларни башоратлаш ва тадқиқ этиш имкониятини берувчи адекват феноменологик моделлар ишлаб чиқиш муаммоси батафсил ўрганилмаган. Амалга оширилган кўплаб илмий тадқиқотларда макроскопик биржинслимас ғовак муҳитларда суспензияларнинг сизиши жараёнларида динамик омиллар, ғовак муҳит ҳаракатсиз суюқлик соҳасининг ҳаракатдаги суюқлик соҳаси сизиш кўрсаткичларига таъсири ҳисобга олинмаган. Жумладан, ҳаракатдаги ва ҳаракатсиз суюқликли ғовак муҳитларда суспензияларнинг кольматацион-суффозион сизиши билан боғлиқ тадқиқотлар етарлича олиб борилмаган. Бундан ташқари, чўкма консолидациясини, суспензиянинг икки заррачалигини ҳисобга олиб чўкма ҳосил қилувчи суспензия сизиши математик моделлари ишлаб чиқилмаган ҳамда суспензиядаги ташувчи фазанинг сиқилувчанлиги муҳитнинг қолган фазалар билан тўйинганлигига таъсири етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг №19.12 «Муҳандислик ва табиий жараёнларнинг математик моделларини тузиш ва сонли тадқиқ қилиш» (2000-2018) ҳамда №ФА-Ф1-Ф042 «Ғовак муҳитларда биржинслимас суюқликлар сизиши гидродинамик моделларини тузиш ва тадқиқ этиш» (2008-2011) ва №Ф4-Ф078 «Ғовак муҳитларда биржинслимас суюқликлар сизиши ва сузилишининг гидродинамик масалалари» (2012-2016) мавзудаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ғовак муҳитларда унинг макроскопик биржинслимаслиги ҳисобга олган ҳолда биржинслимас суюқликлар сизиши, сизиш тезлиги майдонининг биржинслимас тақсимланишини ҳисобга олган ҳолда дисперс суюқликлар сизиши, ташувчи фазанинг сиқилувчанлиги ва чўкма консолидациясини ҳисобга олган ҳолда суспензиялар сизиши, турли тузилишли чўкма ҳосил бўлишини ҳисобга олган ҳолда кўп компонентли суспензиялар сизишининг такомиллаштирилган математик моделларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

чегаравий суффозион босим градиентини ҳисобга олиб (ҳисобга олмасдан) ҳаракатдаги ва ҳаракатсиз (ёки кам ҳаракатдаги) суюқликли икки

ўлчовли ғовак муҳитда дисперс суюқлик сизиши ва модда кўчиши математик моделларини ишлаб чиқиш ва сонли тадқиқ этиш;

Ю.М.Шехтманнинг умумлашган баланс тенгламаси асосида икки соҳали ғовак муҳитда суспензиянинг кольматацион-суффозион сизиши математик моделини такомиллаштириш ва сонли тадқиқ этиш;

фильтр ичида чўкма ҳосил қилиб кам сиқилувчи суспензия сизиши математик моделини ишлаб чиқиш ва сонли тадқиқ этиш;

консолидацияланадиган чўкма ҳосил қилувчи суспензия сизиши математик моделини ишлаб чиқиш ва сонли тадқиқ этиш;

ғовак муҳитда тузилиши ва хоссалари бир-биридан фарқ қилувчи икки турли чўкма ҳосил бўлувчи икки компонентли суспензия ҳаракати математик моделини ишлаб чиқиш ва сонли тадқиқ қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида биржинслимас суюқликлар, хусусан, суспензиялар сизилувчи ғовак муҳитлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети ғовак муҳитда суспензия сизиши ва модда кўчиши жараёнлари математик моделлари, ҳисоблаш алгоритмлари ва гидродинамик жараёнлар ўзгариш қонуниятларини ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда кўп фазали муҳитлар механикаси ва физик-кимёвий гидродинамика усуллари, ғовак муҳитларда сизиш назариясининг асосий тенгламалари, математик ва сонли моделлаштириш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

ҳаракатдаги ва ҳаракатсиз (ёки кам ҳаракатдаги) суюқликли икки ўлчовли ғовак муҳитда биржинслимас суюқликнинг кольматацион-суффозион сизиши математик модели чегаравий суффозион босим градиенти ҳисобга олинган ва олинмаган ҳолларда такомиллаштирилган;

ҳаракатдаги ва ҳаракатсиз суюқликли ғовак муҳитда дисперс суюқликнинг кольматацион-суффозион сизиши математик модели Ю.М.Шехтманнинг умумлашган тенгламаси асосида такомиллаштирилган;

суспензиядаги ташувчи фазанинг сиқилувчанлигини ҳисобга олган ҳолда ғовак муҳитда суспензия сизиш математик модели ишлаб чиқилган;

чўкма консолидациясини ҳисобга олиб суспензия сизишининг математик модели ишлаб чиқилган ва консолидациянинг муҳит сизиш кўрсаткичларига сезиларли таъсир этиши аниқланган;

кўп фазали муҳитлар механикаси принципларига асосланиб ғовак муҳитда турли тузилишли чўкма ҳосил қилиб икки компонентли суспензия сизиши математик моделлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ҳаракатдаги ва ҳаракатсиз суюқликли икки соҳали ғовак муҳитларда суспензия сизиши ва модда кўчиши жараёнлари математик моделлари такомиллаштирилган ва ҳисоблаш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

ғовак муҳитда суюқлик сиқилувчанлигини ҳисобга олиб суспензия сизиши масаласининг самарали сонли ечиш алгоритми ишлаб чиқилган;

ғовак муҳитда чўкма консолидациясини ҳисобга олиб суспензия сизиши масаласини сонли ечиш алгоритми ишлаб чиқилган;

ғовак муҳитда турли тузилишли чўкма ҳосил қилиб икки компонентали суспензия сизиши масаласини ечиш учун дастурий восита ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги суспензия сизиши ва модда кўчиши тенгламаларини тузишда туташ муҳитлар механикаси фундаментал принципларидан – масса баланси қонунлари, Дарси қонунидан фойдаланилган. Кольматация ва суффозия ҳодисалари ҳисобидан ғовак фазо тузилиши ўзгариши кинетика тенгламаларини асослашда ҳар бир фараз пухта асосланган феноменологик ёндашувдан фойдаланилган. Икки кўринишли чўкма ҳосил қилиб суспензия сизиши математик моделини ишлаб чиқишда кўп фазали тизимлар механикаси принципларидан фойдаланилган. Масалаларни сонли ечишда уларнинг турғунлиги текширилган. Олинган сонли натижалар асосида физик таҳлил ўтказилган ва уларнинг реал гидродинамик жараёнга мослиги баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ғовак муҳитда суспензиялар сизиши назариясининг ривожланишига ҳисса қўшадаган турли динамик омилларни, кўп компонентали суспензиялар сизишида турли тузилишли чўкма ҳосил бўлишини ҳисобга олиб назарий асослар ва математик моделлар ишлаб чиқиш ҳамда сизиш масалаларни сонли ечишнинг самарали алгоритмларини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, олинган натижалардан фойдаланиб ичимлик ва оқава сувларини тозалашда, нефт ва газни иккиламчи ва учламчи усуллар билан қазиб олишда, хусусан, кислотали таъсир қилишда эрмаган заррачаларнинг қатлам ғовакларига ўтириб қолиши жараёнларини моделлаштиришда, биржинсли ва макроскопик биржинслимас ғовак муҳитларда суспензия сизиши ва модда кўчиши юз берадиган кўплаб технологик жараёнлар ва гидрологияда жараёнларни сифат ва миқдор жиҳатдан таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ғовак муҳитларда биржинслимас суюқликлар сизишининг такомиллаштирилган математик моделлари, уларни сонли таҳлили учун самарали ҳисоблаш алгоритмлари асосида:

ҳаракатдаги ва ҳаракатсиз суюқликли икки соҳали ғовак муҳитда суспензия сизишининг такомиллаштирилган математик моделларидан БВ-М-Ф4-001 рақамли «Мураккаб иссиқлик ва модда алмашинувига доир кўп ўлчовли масалаларнинг математик моделлари ва тақсимланган самарали ҳисоблаш алгоритмлари» фундаментал грант лойиҳасида мураккаб кўп ўлчамли иссиқлик ва масса алмашинуви масалалари моделларини такомиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2019 йил 15 январдаги 33-8/238-сон маълумотномаси). Натижада мураккаб

иссиқлик ва масса алмашинуви жараёнларининг кўп ўлчамли масалалари математик моделларини такомиллаштириш имконини берган;

чўкма консолидациясини ҳисобга олиб суспензия сизиши ва икки компоненти суспензия сизиши масалаларини ечишнинг ишлаб чиқилган ҳисоблаш алгоритмларидан БВ-М-Ф4-001 рақамли «Мураккаб иссиқлик ва модда алмашинувига доир кўп ўлчовли масалаларнинг математик моделлари ва тақсимланган самарали ҳисоблаш алгоритмлари» фундаментал грант лойиҳасида мураккаб кўп ўлчамли иссиқлик ва масса алмашинувига доир масалаларни ечишнинг алгоритмик усуллари ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2019 йил 15 январдаги 33-8/238-сон маълумотномаси). Натижада ҳисоблаш алгоритмлари ғовак муҳитларда мураккаб масса кўчиши масалаларини ечишда ҳисоблаш вақтини сезиларли даражада камайтириш имконини берган;

ғовак муҳитларда биржинслимас суюқликларнинг такомиллаштирилган математик моделлари ва ҳисоблаш алгоритмлари «Ўзнефтьгазказибчиқариш» АЖ объектларида Шимолий Ўртабулоқ (№ 3 қудук), Жанубий Кемачи (№118 қудук), Шўртепа (№102 қудук) ва Сариқум (№22 қудук) конларида иккиламчи ва учламчи усуллар билан таъсир қилишда қатламнинг сизиш-сиғим хоссаларини ҳисоблаш учун жорий этилган («Ўзбекнефтьгаз» АЖнинг 2018 йил 18 апрелдаги №02/14-2-477-сон маълумотномаси). Натижада қудукларга кислотали ишлов беришда эримаган зарраларнинг қатлам ғовакларига ўтириб қолиши жараёнларини ҳисобга олиб геолого-техник чора-тадбирларнинг оптимал режасини ишлаб чиқиш имконини берган;

ғовак муҳитда модда кўчиши ва суспензия сизишининг такомиллаштирилган математик моделларидан етакчи хорижий илмий журналларда: (Journal of Hydrology, Т.468-469 (2012), IF=1.832) инфильтрация ва адсорбция жараёнлари математик моделларини келтириб чиқаришда, (Journal of Porous Media, 4 (2014), IF=0.504) сув билан тўйинган ғовак муҳитларда температура тарқалишини аниқлашда, (Journal of Porous Media, 5 (2014), IF=0.504) сизиш коэффициентининг суспензия концентрацияси ва сизиш тезлигидан боғлиқлигини аниқлашда фойдаланилган. Илмий натижаларнинг қўлланилиши инфильтрация ва адсорбция тенгламаларини келтириб чиқариш, муҳит сизиш кўрсаткичлари ва температура тарқалиш майдонини аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 18 та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 35 та илмий иш чоп этилган. Шундан, 1 та монография, докторлик диссертациялари асосий натижалари чоп қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та илмий мақола, 3 таси хорижий ва 9 таси республика нашрларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация 183 бетдан иборат бўлиб, кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловадан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертация бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи баён этилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ҳаракатдаги ва ҳаракатсиз суюқликли ғовак муҳитда кольматацион-суффозион сизиш”** деб номланган биринчи бобида ғовак муҳитларда биржинслимас суюқликлар ҳаракатини моделлаштиришда фойдаланилган ёндашувлар ҳақида қисқача маълумотлар келтирилган. Шу вақтгача қўлланилган ёндашувларнинг умумий характерли хусусиятлари аниқланган. Хусусан, моделлаштиришнинг феноменологик ёндашувлари модда баланси, заррачаларнинг ўтириб қолиш жараёнлари кинетикаси (ғовакли ҳажмнинг заррачалар билан тўлиши характерининг ўзгариши, сорбция, десорбция ва бошқа) тенгламаларидан, шунингдек умумлашган Дарси конунидан фойдаланишга асосланган. Шунга ўхшаш ёндашув ғовак муҳитларда дисперс тизимларнинг кольматацион-суффозион сизишини моделлаштириш жараёнида қўлланилган.

Диссертациянинг **“Ҳаракатдаги ва ҳаракатсиз суюқликли ғовак муҳитда модда кўчиши ва суюқлик сизишининг икки ўлчамли масалаларини ечиш”** деб номланган иккинчи бобида сизиш-сиғим хоссалари турлича бўлган икки соҳадан ташкил топган икки ўлчамли ғовак муҳитда модда кўчиши ва суспензия сизиши масалалари тадқиқ этилган. Муҳитга модда ва суюқлик юборилиши режимининг турли ҳоллари қаралган. Чегаравий суффозион босим градиенти (ЧСБГ) параметрини ҳисобга олиб ҳам масалалар қўйилган ва ечилган.

Нуктали манба ҳолида икки ўлчамли соҳада модда кўчиши ва суюқлик сизиши масаласи қаралди. Масаланинг тадқиқот соҳаси $R^+ \{0 \leq x < \infty, 0 \leq y \leq h\}$ ва $R^- \{0 \leq x < \infty, -\infty < y \leq 0\}$ соҳалардан ташкил топган. R^+ – ҳаракатдаги ҳамда R^- – ҳаракатсиз суюқлик соҳа деб қаралади. $t > 0$ дан бошлаб R^+ нинг чап чегарасининг марказидан, яъни $x = 0$, $y = h/2$ дан муаллақ қаттиқ заррачали c_0 концентрацияли суюқлик хайдалади, яъни

$$c = \begin{cases} c_0, & x = 0, \quad y = h/2, \\ 0, & x = 0, \quad y \neq h/2. \end{cases} \quad (1)$$

R^+ да ўзгармас u тезлик билан суюқлик ҳаракатланади. Шундай қилиб, R^+ да бўйлама ва кўндаланг диффузия билан биргаликда қаттиқ заррачанинг конвектив кўчиши содир бўлади.

R^+ соҳада колматацион-суффозион сизиш тенгламалар системаси ушбу кўринишда бўлади

$$\frac{\partial c}{\partial t} + u \frac{\partial c}{\partial x} = D_1 \frac{\partial^2 c}{\partial x^2} + D_2 \frac{\partial^2 c}{\partial y^2} + \frac{1}{\varepsilon_0} \frac{\partial \varepsilon}{\partial t}, \quad (2)$$

$$\frac{\partial \varepsilon}{\partial t} = \omega_1 (\varepsilon_0 - \varepsilon) |\nabla p| - \omega_2 \varepsilon c, \quad (3)$$

бунда c – модда концентрацияси, D_1, D_2 – бўйлама ва кўндаланг диффузия коэффициентлари, $\varepsilon_0, \varepsilon$ – бошланғич ва жорий ғовакликлар, ω_1, ω_2 – ғовак суффозияси ва колматацияси жадаллигини характерловчи коэффициентлар, $|\nabla p|$ – босим градиенти модули, t – вақт.

R^- да фақат бўйлама йўналиш бўйича модданинг диффузион кўчиши содир бўлади. Таъкидлаймизки, R^- да R^+ дан фарқли равишда бўйлама йўналиш 0 дан $-u$ га йўналган деб ҳисобланади.

R^- да модда кўчиши жараёни

$$\frac{\partial c}{\partial t} = D_3 \frac{\partial^2 c}{\partial y^2}, \quad (x, y) \in R^- \quad (4)$$

тенглама билан ифодаланади, бунда D_3 – эффектив диффузия коэффициенти.

R^+ да аралашма ҳаракати жараёни умумлашган Дарси қонунига бўйсинади

$$\vec{w} = -K(\varepsilon) \nabla p, \quad (5)$$

бунда $\vec{w}$ – сизиш тезлиги, p – босим, $K(\varepsilon)$ – сизиш коэффициенти.

$$w = u \cdot \varepsilon \text{ маълум боғланишни ва Карман-Козен } K(\varepsilon) = \frac{k_0 \varepsilon^3}{(1 - \varepsilon)^2}, \quad k_0 = \text{const}$$

қонунини ҳисобга олиб босим градиенти учун муносабатни аниқлаймиз, яъни (5) дан

$$|\nabla p| = \frac{u(1 - \varepsilon)^2}{k_0 \varepsilon^2} \quad (6)$$

ни ҳосил қиламиз.


R^+ да $x \rightarrow \infty$ да ва R^- да $y \rightarrow -\infty$ бўлганда модда оқими бўлмайди деб қараймиз. Масалани тадқиқ этиш босқичида бу шартлар R^+ да $x = \infty$ га ва R^- да $y = -\infty$ га концентрация профиллари етиб бормайди ёки чексиз чегара ёпиқлигига мос келади.

Бошланғич ва чегаравий шартлар ҳамда (1) шарт билан бирга (2) – (4), (6) тенгламалар системасини ечиш учун чекли айирмалар усулидан фойдаланилди.

Параметрларнинг куйидаги қийматларида: $u = 6 \cdot 10^{-4}$ м/с, $k_0 = 10^{-2}$ м/(МПа·с), $\mu = 10^{-9}$ МПа·с, $h = 1$ м, $c_0 = 0,01$ ва $D_1, D_2, D_3, \omega_1, \omega_2$ ларнинг турли қийматларида ҳисоблаш тажрибалари ўтказилди.

Ҳисоблаш натижалари кўрсатмоқдаги, колматацион-суффозион омиллар концентрация майдонининг тарқалишига сезиларли таъсир қилади. Суффозион омилларнинг пасайиши ва колматацион омилларнинг ошиши билан концентрацион сирт профилларининг тарқалиши орқада қолиши кузатилади.

R^+ соҳада конвекция ва диффузия (бўйлама ва кўндаланг) билан биргаликда колматацион-суффозион омиллар концентрация манбаси (сток) сифатида иштирок этадиган (1) тенглама ишлайди. Шунинг учун $y = h$ да монотон бўлмаган ўзгариш кузатилиши мумкин, номонотонлик суффозиянинг кучсизланиши ва колматациянинг кучайишида бирмунча аниқроқ кўринади (1,а-расм). R^+ да колматацион-суффозион омиллар ҳисобидан бошланғич қиймат ε_0 га нисбатан ε ғоваклик майдони камайиши ҳосил бўлади (1,б-расм). Суффозион омилларнинг кучсизланиши ва колматацион омилларнинг кучайиши ε нинг янада сезиларли камайишига олиб келади. ε нинг камайиши Карман-Козен қонунига мос равишда қатлам ўтказувчанлиги, шунингдек сизиш коэффициенти камайишига олиб келади.



1-расм. Нисбий концентрация c/c_0 (а) ва ғоваклик (б) сиртлари, бунда $D_1 = 5 \cdot 10^{-5}$ м²/с; $D_2 = 10^{-5}$ м²/с; $D_3 = 10^{-5}$ м²/с ва $\omega_1 = 0,1$ м/(МПа·с); $\omega_2 = 0,1$ с⁻¹.

R^+ ва R^- соҳалар чегараси, яъни $y = 0$ дан ўтаётган модданинг нисбий сарфи Q , умумий ва жамланма нисбий сарфлари куйидагича

$$Q = D_3 \left| \frac{\partial c}{\partial y} \right|_{y=0}, \quad Q_{\text{общ}} = \int_0^{\infty} Q dx, \quad Q_{\text{сум}} = \int_0^t Q_{\text{общ}} dt$$

ифодаланади.

Турли t вақтлардаги Q нинг профили колматациянинг кучайиши ва суффозиянинг кучсизланишида $y = 0$ чегарадан ўтувчи модданинг алоҳида олинган x нуқталарда масса алмашинувининг камайишини кўрсатади.

Таъкидлаймизки, R^+ соҳанинг $0 \leq y \leq h$, $x = 0$ бутун эни бўйича аралашма ҳайдалгандаги масалада кузатилган, тадқиқот вақти мобайнида Q нинг номонотон ўзгариши кузатилмади.

Суффозион омиллар кўчайиши ва кольматацион омиллар кучсизланишида $Q_{\text{оби}}$ ва $Q_{\text{сум}}$ ларнинг ошишини кузатиш мумкин.

(2), (3), (4), (6) тенгламалар полосасимон манба билан, яъни (1) қуйидаги

$$c = \begin{cases} 0, & \text{агар } x = 0, \quad 0 \leq y < \gamma_1 h, \quad \gamma_2 h < y \leq h, \\ c_0, & \text{агар } x = 0, \quad \gamma_1 h \leq y \leq \gamma_2 h, \quad c_0 = \text{const}, \quad \gamma_1, \gamma_2 \leq 1. \end{cases} \quad (7)$$

шарт билан алмаштирилди.

Нуктали манба билан солиштирганда, бу ерда c/c_0 профили R^+ да ҳам R^- да ҳам кенгироқ соҳани эгаллади. Кольматацион-суффозион ходисалар нуктали манба берилган ҳолдаги каби таъсир қилади. Кольматацион омиллар ҳисобидан R^+ да ғоваклик сезиларли камайиши содир бўлади. Бунда кольматацион омилларнинг сезиларли бўлиши ва суффозия омилининг кучсиз бўлиши ε нинг сезиларли камайишига олиб келади. Бироқ, ғоваклик ўзгариш соҳасининг ўлчамлари камаяди. Айтилганларни яна қуйидагича таҳлил қилиш мумкин: ғовак муҳитда модданинг диффузион кўчишига кольматацион омиллар қарши таъсир қилади, суффозион омиллар эса ижобий таъсир этади. Ғовакликнинг камайиши муҳит ўтказувчанлиги камайишига ва ўз навбатида муҳит филтратацион қаршилиги ўсишига олиб келади.

Чегаравий суффозион босим градиентини (ЧСБГ) ҳисобга олиб икки ўлчамли соҳада кольматацион-суффозион сизиш математик моделини қараймиз. ЧСБГ параметри биринчи бўлиб Б.Х.Хўжаёров ишларида киритилган. Баланс тенгламаси сифатида соддалик учун одатий модда баланс тенгламасидан фойдаланамиз.

Шундай қилиб, R^+ да кольматацион-суффозион сизиш тенгламалари (2) кўринишда, (3) ўрнига

$$\frac{\partial \varepsilon}{\partial t} = \begin{cases} \omega_1(\varepsilon_0 - \varepsilon)(|\nabla p| - |\nabla p_c|) - \omega_2 \varepsilon c, & \text{агар } |\nabla p| > |\nabla p_c|, \\ -\omega_2 \varepsilon c, & \text{агар } |\nabla p| \leq |\nabla p_c| \end{cases} \quad (8)$$

тенгламадан фойдаланамиз, бунда $|\nabla p_c|$ – ЧСБГ параметри модули.


Масала шундай қўйилишда нуктали манба ҳоли учун ечилди. Олдин тасдиқланган бир ўлчамли масалалар ечимидаги кузатилган сезиларли ўзгаришлар ∇p_c нинг c/c_0 тарқалишига сезиларли таъсир этмайди.

$\nabla p_c = 0$ бўлгандагидан фарқли равишда бу ерда ε нинг ўзгариши турли темпли икки соҳага ажратишимиз мумкин. Биринчи соҳада ε нинг қийматлари кольматацион омиллар ҳисобидан сезиларли камаяди, иккинчи соҳада эса ε нинг сезиларсиз ўзгаришини кузатиш мумкин. Сиртда соҳалар умумий чегараси ε нинг қийматлари бирдан ўзгариши билан характерланади.

Q нинг ўзгариш характерида нисбий синишни аниқлаш мумкин, бу ҳолни $|\nabla p|$ $y = 0$ чегарада $|\nabla p_c|$ дан ўсиш фронтига эришишлиги билан изоҳланади

(2,а-расм). Кичик вақтларда $|\nabla p| > |\nabla p_c|$ фронт $y = 0$ чегарага етиб бормайди, Q нинг ўзгариш суръати нисбатан биржинсли бўлади. $|\nabla p| \leq |\nabla p_c|$ суффозия қатнашмаган соҳада (соф қолматацияли соҳа) Q нисбий масса алмашинуви $|\nabla p| > |\nabla p_c|$ соҳадагига нисбатан бирмунча кичик бўлади. Суффозия омилларининг камайиши ва қолматация омилларнинг ошишида $x > 0$ нуқталарда Q нинг қиймати камаяди.

R^+ ва R^- умумий чегарасида алоҳида олинган нуқталарда Q нинг ўсишини кузатиш мумкин. $x = 0, y = 0$ нуқтада Q нинг бир текис ўсиши кузатилади, $x > 0, y = 0$ ларда эса Q нинг пульсацион суръатда ўсиши олинди (2,б-расм). Бундай динамика R^+ нинг турли нуқталарида $|\nabla p|$ босим градиенти $|\nabla p_c|$ дан кичик бўлади ва бошқа режимга ўтишлиги билан изоҳланади.



2-расм. R^+ ва R^- соҳалар чегарасида нисбий модда оқими Q нинг турли вақтларда (а) ва Q нинг турли x ларда t бўйича (б) ўзгариши, бунда $D_1 = 5 \cdot 10^{-5} \text{ м}^2/\text{с}$; $D_2 = 10^{-5} \text{ м}^2/\text{с}$; $D_3 = 10^{-5} \text{ м}^2/\text{с}$ и $\omega_1 = 0,1 \text{ м}/(\text{МПа} \cdot \text{с})$; $\omega_2 = 0,1 \text{ с}^{-1}$.


Q нинг пульсацион суръатда ўзгариши $Q_{\text{общ}}$ динамикасида ўз аксини топади, бироқ Q нинг пульсацион динамикаси $Q_{\text{сум}}$ жамланма нисбий сарфга кам таъсир этади, яъни Q нинг пульсацион суръатининг ошиши $Q_{\text{сум}}$ да интеграллаш ҳисобидан сезиларли даражада силиқланади.

3-расмда $|\nabla p|$ нинг сатҳ чизиқлари келтирилган. Бу чизиқлар $|\nabla p| > |\nabla p_c|$ режимнинг $|\nabla p| \leq |\nabla p_c|$ режимга ўзгариш фронтининг тарқалишини аниқ кўриш мумкин. Суффозион омилларнинг пасайиши ҳамда қолматацион омилларнинг кучайиши бу фронт тарқалишини секинлаштиради.

Сўнгра ЧСБГли икки ўлчамли сизиш масаласи полоса шаклидаги манба ҳолида ечилди.

Олдинги ҳоллардагидек ∇p_c нинг роли бу ерда алоҳида намоён бўлмади. Чегарадан нуқтали манба берилган ҳол билан таққосланганда бу ерда ғоваклик нисбатан катта соҳада камаяди, соҳанинг эни сезирали катта бўлади.

Сиртларда $|\nabla p| > |\nabla p_c|$ ва $|\nabla p| \leq |\nabla p_c|$ соҳаларга ажралувчи яққол чегарани кўрсатиш мумкин. Босим градиенти майдони R^+ да кенгроқ соҳани эгаллайди ва масалаларнинг бир хил параметрларида ∇p нинг қийматлари нуқтали манба бўлган ҳолга нисбатан мос нуқталардаги қиймати катта бўлади.



№ п/п	$ \nabla p $, МПа/м
1	1,035
2	0,994
3	0,914
4	0,878
5	0,819
6	0,774
7	0,75
8	0,623
9	0,57
10	0,549

3-расм. $|\nabla p|$ сатҳ чизиқлари, бунда $t = 5000$ с, $\omega_1 = 0,1$ м/(МПа·с); $\omega_2 = 0,1$ с⁻¹.

D_3 D_2 га нисбатан кичик бўлган ҳолда ҳам тадқиқот ўтказилган. $y = 0$ да c/c_0 концентрация сиртларида концентрация градиентининг узилишини кузатишимиз мумкин, яъни $\partial c/\partial y$ узилади. Ғоваклик ва босим градиенти майдонлари сезиларли ўзгармайди.

Алоҳида параграфда суюқлик ҳаракатда ва кам ҳаракатда бўлган ғоваклик муҳитда кольматацион-суффозион сизиш масаласи тадқиқ этилди.

R^+ соҳада суюқлик x ва y йўналишлар бўйича ҳаракатланади. R^- соҳада ҳам конвектив-диффузион, кольматацион-суффозион модда кўчиши содир бўлади. Бу соҳанинг ёмон ўтказувчанлигини ҳисобидан $v_{2x} < v_{1x}$, $v_{2y} < v_{1y}$, $D_{2x} < D_{1x}$, $D_{2y} < D_{1y}$ деб фараз қиламиз, бу ерда v_{ix} , v_{iy} ($i = 1, 2$) – R^+ ва R^- даги сизиш тезлиги компонентлари, D_{ix} , D_{iy} – R^+ ва R^- да бўйлама ва кўндаланг диффузия коэффицентлари (бунда ва кейинчалик $i = 1$ – R^+ га, $i = 2$ эса R^- га мос келади). Юқорида баён этилганларни ҳисобга олиб R^+ ва R^- да модда кўчиши жараёни қуйидаги тенгламалар билан ифодаланади

$$\varepsilon_{0i} \frac{\partial c_i}{\partial t} + v_{ix} \frac{\partial c_i}{\partial x} + v_{iy} \frac{\partial c_i}{\partial y} = \varepsilon_{0i} \left\{ D_{ix} \frac{\partial^2 c_i}{\partial x^2} + D_{iy} \frac{\partial^2 c_i}{\partial y^2} \right\} + \frac{\partial \varepsilon_i}{\partial t}, \quad i = 1, 2, \quad (9)$$

$$\frac{\partial \varepsilon_i}{\partial t} = \omega_1 (\varepsilon_{0i} - \varepsilon_i) |\nabla p_i| - \omega_2 \varepsilon_i c_i, \quad i = 1, 2, \quad (10)$$

бунда c_i – суюқликда каттик заррачаларнинг ҳажмий концентрацияси, ε_{0i} , ε_i – бошланғич ва жорий ғовакликлар, $|\nabla p_i|$ – p_i босимлар градиенти модуллари.

R^+ ва R^- да сизиш тезлиги компонентлари қуйидагича аниқланади

$$v_{ix} = -\frac{k_i(\varepsilon_i)}{\mu} \frac{\partial p_i}{\partial x}, \quad v_{iy} = -\frac{k_i(\varepsilon_i)}{\mu} \frac{\partial p_i}{\partial y}, \quad i=1, 2, \quad (11)$$

бунда μ – суюқлик қовушқоқлиги, $k_i(\varepsilon_i)$ – R^+ ва R^- соҳалар ўтказувчанлик коэффициентлари, кольматацион-суффозион омиллар ҳисобидан ε_i нинг функциялари ҳисобланади.

Туташлик

$$\frac{\partial(\rho v_{1x})}{\partial x} + \frac{\partial(\rho v_{1y})}{\partial y} = -\frac{\partial(\rho \varepsilon_1)}{\partial t},$$

эластик ғовак муҳит ва эластик суюқлик ҳолатлари

$$\rho = \rho_0 [1 + \beta_{\text{жс}}(p_1 - p_0)], \quad \varepsilon_1 = \varepsilon_{01} + \beta_{c1}(p_1 - p_0)$$

тенгламаларидан фойдаланиб ушбу кўринишдаги пьезоўтказувчанлик тенгламасини ҳосил қиламиз

$$\frac{\partial p_1}{\partial t} = \chi_1 \left((\varepsilon_{01} + \beta_1^*(p_1 - p_0)) \left(\frac{\partial^2 p_1}{\partial x^2} + \frac{\partial^2 p_1}{\partial y^2} \right) + \beta_1^* \left(\left(\frac{\partial p_1}{\partial x} \right)^2 + \left(\frac{\partial p_1}{\partial y} \right)^2 \right) \right),$$

бунда ρ – суюқлик зичлиги, $\beta_{\text{жс}}$ – суюқликнинг ҳажмий сиқилиш коэффициенти, β_{c1} – R^+ соҳанинг эластиклик коэффициенти, ρ_0 – суюқликнинг бошланғич зичлиги, p_0 – дастлабки ҳолатдаги босим, $\chi_1 = \frac{k_{01}}{\mu \beta_1^*}$.

Эластиклик режими назариясидагидек, охириги тенгламадаги квадрат ҳадларни иккинчи тартиби кичиклигидан ташлаб юбориш мумкин, натижада

$$\frac{\partial p_1}{\partial t} = \chi_1^*(p_1) \left(\frac{\partial^2 p_1}{\partial x^2} + \frac{\partial^2 p_1}{\partial y^2} \right), \quad \chi_1^*(p_1) = \chi_1 (\varepsilon_{01} + \beta_1^*(p_1 - p_0)). \quad (12)$$

R^- соҳада босимни аниқлаш учун шунга ўхшаш пьезоўтказувчанлик тенгламаси олинади.

Ниҳоят, R^+ ва R^- соҳаларда (9) баланс тенгламалари, (10) кинетика тенгламалари, (11) Дарси қонунлари ва (12) пьезоўтказувчанлик тенгламаларидан ташкил топган модданинг кольматацион-суффозион кўчиши тенгламалар системасини ҳосил қиламиз.

Тенгламалар системаси чекли айирмалар усули билан ечилди. Сонли тажрибалар асосида иккала соҳада концентрация, босим градиенти, ғоваклик ва сизиш тезлиги майдонлари аниқланди. R^+ ва R^- соҳалардаги модда концентрацияси сиртларида ўсишни кузатиш мумкин, кичик x ларда модданинг R^- га ўтиши сезиларли бўлади.

Суффозия ва колматация омилларининг кучайтирилиши R^+ ва шунингдек R^- да модда концентрациясининг тарқалишига сезиларли таъсир кўрсатади. R^+ ва R^- соҳалар чегарасида босим градиентининг қиймати R^- соҳа ўтказувчанлигининг кичиклиги ҳисобидан ошиб боради. $(0,0)$ нуқтада босим градиенти вақт бўйича камаяди.

$y=0$ чегарадан ўтувчи модданинг нисбий сарфи Q қуйидагича аниқланади

$$Q = \left(v_{2y} c_2 + D_3 \left| \frac{\partial c_2}{\partial y} \right| \right) \Big|_{y=0}.$$

Модданинг нисбий умумий сарфи вақт бўйича номонотон ўсиши аниқланди. Бунда суффозия омиллариининг кучайиши билан $Q_{\text{общ}}$ жадалрок ўсиш суръатига эга бўлади, кольматация омиллариининг кучайиши эса $Q_{\text{общ}}$ нинг ўсиш суръатини кучсизлантиради. Худди шундай динамика $Q_{\text{сум}}$ учун ҳам кузатилади.

Диссертациянинг **“Ҳаракатдаги ва ҳаракатсиз суюқликли ғовак муҳитда умумлашган тенглама асосида суспензиялар сизиши масалаларини ечиш”** деб номланган учинчи бобида суспензиялар сизиши жараёни ғовакли ҳажмнинг тўйинганлиги Ю.М.Шехтман схематизацияси асосида ўрганилади. Олдинги тадқиқотлардан фарқли равишда бу ерда ўтириб қолган масса концентрацияларининг турли майдонлари киритилади. Масса баланси тенгламаси чўкманинг қаттиқ заррачалар билан тўйинганлиги кинетикасини ҳисобга олиб ҳаракатланаётган аралашмадаги модданинг қаттиқ зарралар концентрациясига нисбатан ёзилади. Ғовак муҳитга аралашма берилишининг: нуқтадан, муҳитнинг бутун кенглиги бўйича, полоса бўйича турли вариантлари қаралган.

Иккинчи бобдаги каби масаланинг тадқиқот соҳаси икки: $R^+ \{0 \leq x < \infty, 0 \leq y \leq h\}$ ва $R^- \{0 \leq x < \infty, -\infty < y \leq 0\}$ қисмдан иборат.

R^+ соҳада модданинг кольматацион-суффозион кўчиши жараёни

$$q(t) \frac{\partial \delta}{\partial x} = [m_0 \delta - m_0(1 - \varepsilon)] \frac{\partial \zeta}{\partial t} - m_0(1 - \zeta) \frac{\partial \delta}{\partial t} + \frac{\partial}{\partial x} \left[D_1 \frac{\partial \delta}{\partial x} \right] + D_2 \frac{\partial^2 \delta}{\partial y^2}, \quad (13)$$

$$\frac{\partial \zeta}{\partial t} = \frac{\omega_0}{1 + \gamma |\nabla p|} \delta - \omega_1 |\nabla p| \zeta, \quad (14)$$

$$v_0 = K(m) (|\nabla p| - |\nabla p_0|), \quad K(m) = k_0 m = k_0 m_0 (1 - \zeta(1 - \varepsilon)), \quad (15)$$

тенгламалар билан ифодалаш мумкин, бу ерда ζ – чўкмада ўтириб қолган заррачалар билан тўйинганлик; δ – ҳаракатланаётган аралашмада модданинг муаллақ қаттиқ зарраларнинг ҳажмий концентрацияси; m_0, m – муҳитнинг бошланғич ва жорий ғоваклиги; ω_0, ω_1 – кольматация ва суффозия жадаллигини мос равишда характерловчи параметрлар; ∇p_0 – оқим бўйича чегаравий босим градиенти; $q(t)$ – ғовак муҳит қўндаланг кесими бирлик юзасидан ўтувчи қаттиқ ва суюқ фазаларнинг умумий миқдори; γ – кольматацияга ∇p нинг таъсири жадаллигини характерловчи параметр; v_0 – сизиш тезлиги, ўзгармас; ε – ўтириб қолган масса ғоваклиги; D_1 –

гидродинамик дисперсия коэффициентлари $D_1 = D_0 + \frac{\lambda v_0}{m}$, $D_0 = \text{const}$, $\lambda = \text{const}$ – ёйилиш коэффициентлари, v_0/m – суюқлик ҳаракатининг физик тезлиги.

R^- да модда кўчиши жараёнини қандайдир эффектив диффузия коэффициент D_3 бўлган оддий диффузия тенгламаси билан ифодалаш мумкин


$$\frac{\partial \delta}{\partial t} = D_3 \frac{\partial^2 \delta}{\partial y^2}, (x, y) \in R^-. \quad (16)$$

R^+ соҳада $t > 0$ дан бошлаб $x = 0$, $0 \leq y \leq h$ чегарадан қаттиқ зарралар концентрацияси $\delta_0 = \text{const}$ бўлган суюқлик берилади.

(13) – (16) тенгламалар системаси чекли айирмалар усули билан ечилди. Ҳисоблаш натижалари кўрсатмоқдаги, R^+ да вақт ўтиши билан концентрациянинг ўсиш соҳаси ортиб боради. Суффозия омиллари кучайганда, қолматация омиллари камайганда δ/δ_0 нинг ҳаракатланаётган соҳаси кенгроқ бўлади. Бу ҳолат қолматация омилларининг камайишида қаттиқ заррачаларнинг катта қисми муаллақ ҳолатда бўлади ва бу зарралар конвекция ва гидродинамик дисперсия ҳисобидан суюқлик ҳаракати йўналиши бўйлаб кўчадилар. ζ нинг ўсиш соҳаси суюқлик ҳаракати йўналиши бўйлаб ҳаракатланиб, қолматация омилларининг ошиши нисбатан кўпроқ зарралар ўтиришига, суффозия омилларининг ошиши аксинча ζ майдон қийматлари камайишига олиб келади. $y = 0$ га яқин жойларда ζ сиртнинг кескин деформациясини кузатиш мумкин, бу R^+ дан R^- га масса кўчиши билан изоҳланади. Дастлаб кичик x ларда Q нинг қимати катта бўлиб, вақт ўтиши билан бу қийматлар босқичма-босқич камайиб боради, худди ўша вақтда x нисбатан каттароқ бўлганда Q нинг ўсиши давом этади, яъни Q нинг динамикасида номонотонлик кузатилади (4-расм). Q нинг динамикасидаги номонотонлик ходисалари $Q_{\text{общ}}$ ва $Q_{\text{сум}}$ ларнинг динамикаларида ўз аксини топмайди. $Q_{\text{общ}}$ нинг ўсиш суръати доимий камайиб боради, $Q_{\text{сум}}$ эса доимий ўсиш суръатида бўлишлиги кузатилади.

Сўнгра аралашма битта нуқтадан берилган режимда ва полоса орқали биржинслимас суюқлик берилганда муҳитда сизиш масалалари ечилган.

Суюқлик ҳаракати ва зарралар кўчишининг қуйидаги δ/δ_0 , ζ , $|\nabla p|$ лар ҳамда ҳаракатдаги ва ҳаракатсиз суюқлик соҳаларининг умумий чегарасидаги алоҳида нуқталардан ўтаётган Q нисбий масса алмашинув, $Q_{\text{общ}}$ умумий ва $Q_{\text{сум}}$ жамланма нисбий масса алмашинувлар характеристикалари баҳоланган. Натижалар кўрсатмоқдаки, R^+ да $x = 0$ чегара полосасидан қаттиқ заррачали суюқлик берилганда, нуқтали режим билан берилган ҳолга нисбатан кўчиш характеристикалари ошиб боради. Бироқ, бутун $x = 0$, $0 \leq y \leq h$ чегарадан берилган ҳолдагига нисбатан кўчиш характеристикалари секинлашади.



4-расм. R^+ ва R^- соҳалар чегарасида нисбий модда оқими Q нинг турли вақтларда (а) ва Q нинг турли x ларда t бўйича (б) ўзгариши, бунда $D_0 = 10^{-6} \text{ м}^2/\text{с}$; $D_2 = 10^{-5} \text{ м}^2/\text{с}$; $D_3 = 5 \cdot 10^{-6} \text{ м}^2/\text{с}$; $\omega_0 = 0,05 \text{ с}^{-1}$, $\omega_1 = 0,05 \text{ м}/(\text{МПа} \cdot \text{с})$.

ЧСБГ параметри билан масала таҳлил қилинган. Масаланинг бундай қўйилишида тенгламалар системаси (13), (15), (16) ва чўкмадаги ўтириб қолган зарралар билан тўйинганлиги кинетика тенгламаси (14) нинг ўрнига

$$\frac{\partial \zeta}{\partial t} = \begin{cases} \frac{\omega_0}{1 + \gamma |\nabla p|} \delta - \omega_1 (|\nabla p| - |\nabla p_c|) \zeta & \text{агар } |\nabla p| > |\nabla p_c|, \\ \frac{\omega_0}{1 + \gamma |\nabla p|} \delta & \text{агар } |\nabla p| \leq |\nabla p_c|, \end{cases} \quad (17)$$

тенгламадан фойдаланилган, бунда $|\nabla p_c|$ – ЧСБГ параметри модули.

Бу ерда янги параметр сифатида $|\nabla p_c|$ дан фойдаланилди, асосий эътибор унинг таъсирига қаратилади. Натижалар кўрсатмоқдаки, δ/δ_0 майдонга $|\nabla p_c|$ нинг таъсири жуда сезиларли эмас, $|\nabla p_c|$ нинг δ/δ_0 га кучсиз таъсирини концентрация майдонинг диффузион ёйилиши билан изоҳланади. $|\nabla p_c| = 0$ бўлгандаги натижалардан фарқли равишда ζ нинг қийматлари кескин ошганлигини таъкидлаш мумкин. Агар $|\nabla p_c| = 0$ да ζ нинг максимал қиймати 0,0176 га тенг бўлган бўлса, ҳозирги ҳолатда 0,1513 га тенг бўлади. Ҳозирги ҳолда $|\nabla p_c|$ нинг таъсири яна руй беради ва суффозия содир бўлиши фронтида ζ нинг бирдан камайганлиги кўринади. $|\nabla p_c| \neq 0$ да ва қолган параметрлар қийматлари ўзгармаганда $|\nabla p|$ сезиларли ўсади. Тадқиқот натижалари кўрсатмоқдаки, $|\nabla p_c|$ ни ҳисобга олиш x бўйича Q нинг тарқалишини сезиларни қисқартирмоқда.

Суюқлик битта нуқтадан берилган масалада δ/δ_0 , ζ , $|\nabla p|$ майдонларининг тарқалиши секинлаши аниқланди. Мос равишда Q , $Q_{\text{общ}}$, $Q_{\text{сум}}$ ларнинг ҳам қийматлари пасайиши ва пульсацион ўзгариши секинлашади.


Диссертациянинг “Ғовак муҳитда чўкма ҳосил қилиб суспензиялар сизишининг математик моделларини тузиш ва таҳлил қилиш” деб номланган тўртинчи бобида ташувчи фаза сиқилувчанлигини ҳисобга олган ҳолда суспензия сизиши тенгламаси келтириб чиқарилган, консолидацияланувчи чўкма ҳосил бўлувчи суспензия сизиши модели тузилган. Кўп фазали континуумлар механикаси тамойилларидан фойдаланган ҳолда бир-биридан структураси ва хоссалари фарқ қилувчи икки хил турдаги чўкма ҳосил бўлиши ҳисобга олиниб, икки компоненти суспензия сизиши модели тузилган.

Қаралаётган муҳитнинг ғовак фазоси куйидаги ташкил этувчилар билан тўлдирилган: 1) ҳаракатланувчи суюқлик; 2) суюқлик оқими билан биргаликда ҳаракатланувчи аралашмадаги муаллақ заррачалар; 3) ўтириб қолган заррачалар билан боғланган ҳаракатланмайдиган суюқлик; 4) ғовак фазо орасида ўтириб қолган ҳаракатланмайдиган заррачалар.

Ғовак фазонинг сизувчи система қисмлари билан тўлдирилиш даражаси S_k ҳажмий қисмлар билан аниқланади

$$S_k = \frac{V_k}{V_{\text{пор}}} , \quad k = 1, 2, 3, 4, \quad (18)$$

бу ерда V_k - сизувчи система k -қисмининг ҳажми, $V_{\text{пор}}$ - элементар ғовак муҳитдаги ғовак ҳажми. k индекс қиймати система қисми тартиб рақамига мос келади (5-расм). Сизувчи муҳит ташкил этувчиларини шартли равишда фазалар деб атаيمиз.



5-расм. Муҳит ғовак фазосининг тўлдирилиши схемаси. 0 – ғовак муҳит скелети, 1 – ҳаракатланувчи суюқлик; 2 – суюқлик оқими билан биргаликда ҳаракатланувчи аралашмадаги муаллақ заррачалар; 3 – ўтириб қолган заррачалар билан боғланган ҳаракатланмайдиган суюқлик; 4 – ғовак фазо орасида ўтириб қолган ҳаракатланмайдиган заррачалар.

